O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ВА ҚОНУН

2001 йил 4 СЕНТЯБР, сешанба
№ 36 (240)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

Абдусамад ПОЛВОН-ЗОДА,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

ТАДБИРКОР МАНФААТИ – МАМЛАКАТ МАНФААТИ

Тадбиркорликни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш ҳолати таҳлил қилинганда, шу нарса кўрилмоқдаки, ҳақиқатан ҳам, жойларда давлат хизматчилари томонидан тадбиркорлик фаолиятига асоссиз аралашиш, текшириш ва уларга нисбатан зўравонлик сингари қонунчиликнинг қўпол равишда бузилиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Баъзи ҳолларда тадбиркорларни жиноий жавобгарликка тортилиши ҳуқуқий нуқтаи назардан асосли шубҳаларни юзага келтираяпти. Уларга нисбатан асоссиз равишда узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги оғир жазоларнинг белгиланиши ҳоллари ҳам йўқ эмас.

Бундай аҳвол ўз навбатида мамлакатимизда ислоҳотлар жараёнини амалга оширишга, мулкдорлар синфини шакллантириш ва ривожлантиришга жиддий хавф солаётгани сир эмас. Мисол учун айрим кишиларда "тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш хавфли" деган нотўғри фикр уйғонмоқда.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, юзага келган бундай вазиятни тубдан яхшилаш учун аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Бир сўз билан айтганда, тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими яратилди.

Конституциямиз талабларидан келиб чиқиб, фуқароларимизга хусусий мулк ҳуқуқи — мутлоқ ҳуқуқ эканлиги мунтазам равишда тушунтириб борилмоқда. Жамиятимизда хусусий мулкка нисбатан ҳурмат ва унинг дахлсизлиги муҳити яратиляпти. Айниқса, тадбиркорлик фаолиятига турли хил асоссиз аралашувлар, ноқонуний текширишлар ашаддий қонунбузарлик, қоларверса, давлатимиз сиёсатини менсимаслик деб баҳоланади.

Ҳар бир аниқланган тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашишга доир ҳолатлар вилоят адлия бошқармалари томонидан Адлия вазирлигига махсус хабар орқали етказилмоқда. Айбдор мансабдор шахслар жавобгарликка тортилиши муқаррарлиги таъминланмоқда.

Шу билан бирга тадбиркорларнинг ноқонуний жавобгарликка тортилиши ва судланишини фавқулодда ҳолат деб қаралаётганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бу борадаги жиноят ишлари бўйича вилоят судлари томонидан Адлия вазирлигига суд ҳукмларининг асослиги тўғрисида хулоса юбориш тартиби жорий этилди. Бу амалий ишнинг натижасида ўтган бир ярим йил мобайнида судлар томонидан 448 нафар тадбиркор оқланиб, жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

Адлия вазирлиги томонидан 2000 йилнинг 6 апрелидан амалга жорий этилган Текширишларни рўйхатга олиш китобига ҳозирги кунда тадбиркорлар катта қизиқиш ва ишонч билан қарашмоқда. Август ойида Адлия вазирлиги ходимлари томонидан кичик ва ўрта тадбиркорлар ўртасида ўтказилган социологик ўрганишлар шуни кўрсатадики, 300 нафар тадбиркордан 145 нафари йил давомида 1 марта мазкур Китобни текширувчи шахсларга тўлдириш учун тақдим этганда, улар текшириш ўтказмай кетиб қолганлигини тасдиқлашди. Яна шундай 30 нафар тадбиркор бир йил давомида 2 марта, 18 нафар тадбиркор 3-5 марта, 5 нафар тадбиркор 6-10 марта, 7 нафар тадбиркор 10 мартадан кўп ҳолларда Китоб тақдим этилганда, текшириш ўтказилмай қолиш ҳоллари учрагани қайд этишди. Фақатгина 14 нафар тадбиркор ўз фаолиятларида бундай ҳол учрамаганини таъкидлашди.

Биз тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашишга олиб келадиган барча мавжуд йўлларга янада қаттиқроқ ва ишончлироқ тўсиқ қўйиш тўғрисида бош қотираяпмиз. Айрим раҳбарлар "Текширишларни рўйхатга олиш китоби"нинг аҳамиятига етарли даражада баҳо бермаса-да, биз бу борадаги ишларимизни давом эттирамиз ва уни мантиқий ниҳоясига етказамиз.

Президентимизнинг қўллаб-қувватлаши боис мазкур Китоб қонуний кучга эга бўлди. Бу ўз навбатида унда қайд этилмаган ҳар бир текширув қонуний эмас, олинган далиллар эса ҳеч қандай юридик кучга эга эмас, деган маънони англатади.

Менинг шунга ишончим комилки, юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, биз Олий суд раҳбарияти ва республика Прокуратураси билан ҳамкорликда судтергов ва тадбиркорларни маъмурий жавобгарликка тортиш амалиётларига муайян ўзгартиришлар киритамиз. Бу эса, жиноят иши ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳужжатларида "Текширишларни рўйхатга олиш китоби"да текширувчининг ўз қўли билан тўлдирилган ёзувидан кўчирма бўлмаса, бундай ҳолатларда тадбиркор суд томонидан оқланади, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш эса тугатилади, деган маънони билдиради.

Мазкур Китобнинг тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашишлардан ҳимоя қилишдаги катта аҳамиятини назарда тутган ҳолда, ўтган йили 100 минг дона Китоб тадбиркорларга тарқатилган бўлса, бу йил яна 150 минг дона Китоб нашрдан чиқарилди. 3-4 ой ичида ҳар бир тадбиркорлик субъекти, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлар Текширишларни рўйхатга олиш китоби билан тўла таъминланади.

Тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқини қўпол равишда бузаётган ашаддий қонунбузарларни суд жавобгарлигига тортиш ҳам узлуксиз давом эттирилмоқда. Хусусан, ўтган давр мобайнида адлия идораларининг даъво аризалари асосида суд томонида текширувчи ва бошқа идораларнинг 325 нафар мансабдор шахсларини чўнтагидан тадбиркорлар фойдасига етказилган 90 млн. сўмлик моддий ва маънавий зарар, бой берилган фойда ундириб берилди. Ушбу суд жараёнларининг доимий равишда республика ва маҳаллий телевидение орқали намойиш этилиши ва жамоатчиликнинг эътиборини жалб қилиш эса давлат хизматчиларининг интизомини кучайтириш, ўз хизмат вазифасига масъулият билан ёндашишда катта аҳамият касб этмоқда.

2001 йилнинг ўтган даври мобайнида эса яна 761 нафар мансабдор шахсдан 115 млн. сўмлик етказилган зарарни ундириш бўйича судларга даъво аризалари киритилди. Қизиқ жиҳати шундаки, аксарият ҳолларда жамоатчиликка ошкор бўлишдан қўрққан шахслар судгача тадбиркорларга етказилган зарарларни қоплашмоқда ва иш келишув битимини тузиш билан якунланмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кўрилаётган комплекс чора-тадбирлар ўзининг тўла ижобий натижасини бермоқда.

Статистик маълумотларга қараганда, 2000-2001 йилларда кўрилган чора-тадбирлар натижасида тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашувлар, ноқонуний текширишлар ва тадбиркорларни асоссиз равишда турли жавобгарликларга тортиш ҳолатлари кескин камайди.

Яна кези келганда шуни айтиш керакки, бундан тўрт-беш йил илгари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қўзғатилган жиноий ишлар бўйича муқобил текширувларни ўтказишда йўл қўйилган қўпол қонунбузилишлар тадбиркорлар ўртасида кўпгина норозиликларни келтириб чиқарарди. Ҳар бир иш бўйича турли баҳоналардан фойдаланиб, ўнлаб тадбиркорларни ноқонуний равишда текширилиши, бухгалтерлик ҳужжатларини узоқ муддатларга олиб қўйилиши тадбиркорлар ишининг тўхтаб қолишига сабаб бўларди.

Шу сабабли Адлия вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва республика Прокуратураси томонидан Муқобил текширувларни тартибга солиш тўғрисида жойларга кўрсатма юборилиб, бу тартибни бузганлик учун жиноий жавобгарликкача тортилиши тўғрисида огоҳлантирилди. Бу йўл билан муқобил текширувлар сонини кескин камайтиришга эришилди.

Шу билан бирга тадбиркорлар билан бевосита мулоқотлар ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат органларининг айрим мансабдор шахслари Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдиришни четлаб, қаллоблик билан тадбиркорларни ўз хизмат хонасига чақириш йўлига ўтганлигини кўрсатмоқда. Ушбу ҳолат республика Прокуратураси билан биргаликда таҳлил қилинди. Жойлардаги мавжуд иллатларни бартараф этиш мақсадида Адлия вазирлиги, республика Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат солиқ қўмитасининг қўшма кўрсатмаси тайёрланди ва у тасдиқланиб, ижро учун жойларга юборилди.

Адлия вазирлиги мамлакатимизнинг барча ҳудудларида иқтисодий ислоҳотлар бўйича қонунларнинг ижросини чуқур ўрганиб чиқди. Натижада иқтисодий соҳада 190 мингга яқин қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

1) Хусусан, ўтказилган текширишлар шуни кўрсатадики, тадбиркорларни рўйхатга олиш тартибининг бузилиши, тадбиркорларни рўйхатга олишда (лицензия бериш, ҳисобга қўйиш) қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш, якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муддатларини чегаралаш, бюрократик сансалорликка йўл қўйиш ҳоллари мавжуд. Ҳокимликлар томонидан 16 мингдан зиёд ҳолатда ана шундай қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Масалан, ҳокимликлар томонидан Сурхондарё вилоятида 2900 та, Фарғона вилоятида 1300 та, Тошкент вилоятида 800 та, Самарқанд вилоятида 600 та тадбиркорларни рўйхатга олиш тартиби бузилганлиги аниқланди.

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги Фармони билан қатъиян ман этилганлигига қарамай, ҳокимликлар томонидан фермер ва бошқа тадбиркорларнинг маблағларини ҳар хил тадбирлар ўтказиш, маъмурий бинолар қуриш ва таъмирлаш, турли-туман жамғармалар ташкил этишга жалб қилинмоқда. Одатда, бу маблағлар тадбиркорларнинг розилигисиз, мажбуран олинмоқда. Бу ҳол хусусий мулкка суиқасд қилишдан бошқа нарса эмас. Ваҳоланки, унинг дахлсизлиги ва мутлоқлиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатлангандир.

Биз шуни ҳеч қачон унутмаслигимиз керакки, хусусий мулкнинг мутлоқлиги - бу унинг ягона хўжайини шу мулкнинг эгаси эканлигини англатади. Ҳар бир шахс, у ким бўлиши, қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, хусусий мулкка нисбатан ғайриқонуний ҳаракатдан ўзини тийиши лозим.

Кам таъминланган, муҳтож оилаларга кўмаклашиш, уларни қўллаб-қувватлаш савоб ва эзгу иш саналади. Буни ҳар биримиз тўғри тушунамиз. Шундай экан, тадбиркорларга тайзиқ ўтказиш жиноятдан бошқа нарса эмас. Бундай салбий ҳолат тўлақонли мулк эгаларининг шакллашишига тўсқинлик қилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

КЕЛАЖАК АВЛОД КАМОЛОТИНИ ЎЙЛАБ...

Истиқлол йилларида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш мақсадида:

— Мамлакатимиз пойтахтида Техника университети (1991 йил 13 май), Кимё-технология институти (1991 йил 13 май), Молия институти (1991 йил 3 июн), Иқтисодиёт университети (1991 йил 19 июн), Шарқшунослик институти (1991 йил 5 июл), Ҳуқуқшунослик институти (1991 йил 15 август), Жаҳон тиллари университети (1992 йил 15 июн), Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (1992 йил 24 сентябр), Авиация институти (1995 йил 12 июл), Республика рақс ва хореография олий мактаби (1997 йил 8 январ), Миллий рассомчилик ва дизайн институти (1997 йил 11 март), Педагогика университети (1998 йил 2 феврал), Ислом университети (1999 йил 6 май) ташкил этилди.

— Қарши, Наманган ва Андижон шаҳарларида муҳандислик иқтисодиёт институтлари (1992 йил 28 феврал), Самарқанд шаҳрида чет тиллар институти (1994 йил 11 август), Навоий шаҳрида кончилик институти (1995 йил 26 июл) ташкил топди ва фаолияти тўла йўлга қўйилди.

— Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академиялари, Ўзбекистон Бадиий академияси ташкил этилди.

— 1997 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси ташкил этилди. Унинг грантини қўлга киритган юзлаб ёшларимиз дунёнинг энг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда.

— Фарғона, Бухоро, Андижон, Наманган, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё, Хоразм, Қашқадарё вилоятларидаги педагогика институтлари замонавий талаблар даражасида фаолият кўрсатадиган университетларга айлантирилди.

— Мамлакатимиздаги қатор олий ўқув юртлари қошида 5 та гимназия, 15 та лицей-интернат, 11 та лицей, 47 та академик лицей ёшларга таълим бермоқда.

— Юртимиздаги 260 та касб-ҳунар коллежларида ёш авлод замонавий касб-ҳунар сир-асрорларидан малакали сабоқ олмоқда. 2001 йилнинг охиригача яна 63 та касб-ҳунар коллежи ишга туширилиши режалаштирилган.



Кеча юртимиз илм маскан-ларида янги ўқув йили бошланди.

Шавкат АКРОМОВ олган суратлар



Мамлакатимизда бошланган Япония маданияти кунлари муносабати билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида "Юдзуру" ("Тунги турна") операсининг премьераси бўлиб ўтди.

* * *

"Ўзбекистон" нашриёти Ватанимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб "Ўзбекистон юксалиш йўлида" мавзуидаги альбомни нашрдан чиқарди.

* * *

Тошкентда янги санъат кошонаси — "Замонавий санъат маркази" иш бошлади.

* * *

"Ёзувчи" нашриёти ёшларнинг назм ва наср гулдастаси бўлмиш "Истиқлол умидлари" китобини нашрдан чиқарди.

* * *

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги арафасида "Ўзбекистон" нашриёти Президент Ислом Каримовнинг "Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз" деб номланган янги китобини кўп минг нусхада чоп этди.

* * *

Асака тумани деҳонлари бу йил ҳам пахта тайёрлаш шартномавий режасини мамлакатда биринчи бўлиб бажардилар. Шу муносабат билан Асака тумани пахтакорларига Президент Ислом Каримов самимий табрик йўллади.

* * *

"Шарқ тароналари" III халқаро мусиқа фестивали якунига етди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1 сентябрдан бошлаб 2001 йил намунасидаги қиймати 1000 сўм бўлган янги пул бирлигини муомалага чиқарди.

* * *

Жиззахда "ЛРС-Пласт" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси иш бошлади.

ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМНИНГ ТАЯНЧ МАСКАНИ

Мамлакатимизда олий, ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда умумий таълим мактабларида ҳаяжонли дамлар — янги ўқув йили бошланди. Бу галги ўқув йилининг бошланиши мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги шодиёналарига уланиб кетди. Бу йилги ўқув йилининг ўзига хос жиҳати шундаки, айни шу ўқув йилидан бошлаб Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичини амалга оширишга киришилади.

Янги жамиятни етук профессионал кадрларнинг иштироксиз яратиб бўлмайди. Шу боис истиқлол йилларида олий таълимнинг мақсади, мазмуни ва моҳияти тубдан ўзгартирилди. Бозор муносабатлари талаблари ва миллий эҳтиёжимизга ҳар жиҳатдан мос келадиган миллий таълим модели яратилди. Бугунги ёшлар янги таълимнинг барча имкониятларидан фойдаланган ҳолда билим олмоқдалар.

Байрам руҳи аудиторияларда, ўқув залларида, кутубхоналардагина эмас, балки ёшлар қалби, онги шуурида ҳам давом этмоқда.

Айни қутлуғ кунларда Тошкент Давлат юридик институти ҳам мустақил олий ўқув юрти сифатида фаолият бошланганлигининг ўн йиллигини нишонлади.

Президентимиз Ислом Каримов демократик ҳуқуқий давлат қуриш учун юридик таълимда ҳам ўзгаришлар қилиш зарурлигини таъкидлаб, юридик таълимни жиддий тарзда ислоҳ қилиш, юридик олий ўқув юртларига талабалар қабул қилишни кенгайтириш, юристларнинг малакасини ошириш бўйича ягона ўқув марказини ташкил этиш керак, деган эдилар.

Истиқлол тенгдоши бўлган мазкур жамоада таълим ислоҳотлари қандай амалга оширилмоқда? "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Жамиятда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш миллий дастурлари қай даражада турмушга тадбиқ этилмоқда? Тошкент Давлат юридик институти ректори, профессор Мирзаюсуф РУСТАМБОЕВ бевосита шу масалалар тўғрисида мулоҳаза юритади.

(Давоми учинчи бетда)

Конституция ва биз

ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИНИНГ КАФОЛАТИ

Суверенитет ҳар қандай давлатнинг мустақиллигини белгиловчи мезонлардан бири. Бу тушунча давлатнинг тўла мустақиллигини ифодалайди. Мамлакатимизда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг энг муҳим конституцион тамойилларидан бири давлат суверенитети ҳисобланади. Асосий Қонунимизда "Ўзбекистон — суверен демократик республика" деган иборанинг замирида халқнинг давлат ҳокимиятини бошқаришдаги иштироки, бошқарув шакли мужассамлашган. Навбатдаги сабоғимиз айни шу мавзуга бағишланади. Уни ҳуқуқшунос Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ шарҳлайди.

ўн учинчи сабоқ

"Давлат суверенитети" ибораси французча "юқори ҳокимият", "олий ҳокимият" деган маънони англатади. Суверен давлат ички ва ташқи сиёсий фаолиятда ўзининг мустақил ва олий давлат ҳокимиятига, яъни қонун чиқарувчи ҳокимиятига эга бўлади. Суверенитет, аввало, давлат томонидан унинг ички функциясини амалга оширишда кўринади. Бироқ у, айниқса, давлатнинг ҳуқуқ тизимида, яъни суверен ҳуқуқларида бевосита намоён бўлади. Айнан давлатнинг тўла қонуний ҳуқуққа эгалиги давлат ҳокимиятини, демак, давлат суверенитети амалга оширилишини таъминлайди. Жамиятда ҳуқуқий тартиб ўрнатиш, мансабдор шахслар, жамоат ташкилотлари ва фуқароларга ҳуқуқлар берилиши ҳамда мажбуриятлар юклатилиши — буларнинг ҳаммаси давлат ҳокимиятининг ички мазмунини ифода этади. Фақат давлат ҳокимиятигина нуфузли таъсир ўтказишга, зарур бўлганда эса жамият ҳаётининг ҳамма томонларига куч ишлатишга қодир. Бу унинг кенг қамровли эканлигини, чиндан ҳам мустақил яшаётганлигини кўрсатади.

Давлат ҳокимиятининг мамлакат ичидаги суверенитети унинг ташқарисидаги мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқ. Давлат суверенитети уни халқаро муносабатларда ҳам мустақил эканлигини билдириб, бунда давлат халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида майдонга чиқади. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати унинг Конституциясида белгилаб қўйилганидек, давлатларнинг суверен тенглигига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади: давлатларнинг суверен тенглиги тамойили халқаро ҳуқуқнинг умум тан олган тамойили бири сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида ҳам мустаҳкамланган.

Республикамиз Конституциясининг 1-моддасидаёқ Ўзбекистонни ҳам суверен, ҳам демократик республика деб эълон қилиниши жуда катта халқаро ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлди. Чунки доимо демократик республика ҳақида сўз юритилганда, аввало, ушбу давлатда демократик тартиблар қанчалик қарор топганлиги, давлат бевосита кенг халқ оммаси қўлида эканлиги назарда тутилади. Шуни ҳам эслаб ўтиш жоизки, "демократия" ибораси юнонча "халқ ҳокимияти" деган маънони билдиради. Бундай давлат бошқаруви шаклида ҳокимият халқ томонидан бевосита ёки вакиллик ташкилотлари орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон — суверен демократик республика. Давлатнинг "Ўзбекистон" ва "Ўзбекистон Республикаси" деган номлари бир маънони англатади.

1-модда.

Чунончи, жаҳон мамлакатларининг тарихий тажрибасида ҳам қадимги вақтлардаёқ демократия, демократик республика деган тушунчалар мавжуд бўлган. Хусусан, антик дунёда қулдорлар демократияси қулларни итоат эттириб турадиган ва эксплуатация қилишга ёрдам берадиган ташкилот эди. Масалан, Афинада аҳолининг асосий қисмини ташкил этувчи қуллар, мусофирлар билан никоҳдан ўнёга келганлар ва ҳамма аёллар барча сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум эдилар. Гарчи Афинада қонунлар чиқарадиган ва давлатни бошқаришда қатнашадиган халқ йиғинлари чақирилган бўлса ҳам, мансаблар сайлаб қўйилса ҳам, бу озчиликнинг демократияси эди. Лекин Ўзбекистон Конституциясида ўз аксини топган "демократия" тушунчаси мутлақ халқ ҳокимиятчилиги устуворлигидан дарак беради. Чунки Конституциямизнинг бир қанча боблари ва моддалари ҳақиқий халқ демократизми руҳи билан суғорилган. Масалан, 9-моддага кўра, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. 10-моддага биноан эса Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайланган республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин. Демак, Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилганидек, Ўзбекистонда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир.

Конституциянинг 1-моддасида давлатимизнинг "Ўзбекистон Республикаси" ёки "Ўзбекистон" деб юритилиши алоҳида уқтирилади ва бу икки хил номланишдан қатъи назар, улар бир маънони англатиши таъкидланади. Бу тарихда биринчи марта Ўзбекистон ҳақиқий маънодаги миллий мустақил давлат бўлиб қолганлигининг рамзий ифодасидир. Дарвоқе, "Ўзбекистон" деган ибора давлатнинг номи сифатида илк бор Ўрта Осиёда 1924-1925 йилларда ўтказилган миллий давлат чегараланиши натижасида қўлланила бошланган. Лекин бу ўзбек халқининг ташаббуси ва хоҳиш-истаги билан барпо этилган давлат эмас эди. Балки қизил империянинг Ўрта Осиёдаги мустамлакачилик тизими моҳиятини ниқоблаш усулларидан бири эди, холос.

"Ўзбекистон" деган ном ўзининг ҳақиқий мазмунига фақат 1991 йил 1 сентябр куни — ўзбек халқининг мустақилликка эришган санадан бошлаб эга бўлди. Шу сабабли Конституциянинг 1-моддасидаёқ эътироф этилган "Ўзбекистон", "Ўзбекистон Республикаси" деган иборалар чуқур мазмунга эга бўлиб, ҳозирги кунда бу ном жаҳон халқларига тобора танилиб бормоқда.

Конституциянинг 1-моддасини таҳлил қилар эканмиз, унда Ўзбекистоннинг республика шаклида идора қилинадиган давлат эканлиги эътироф этилганлигини кўрамиз. "Республика" ибораси лотинча "умумхалқ иши" деган маънони билдиради. Республика давлат бошқаруви шакли бўлиб, бунда ҳокимиятнинг барча олий органлари ё сайлаб қўйилади ё халқ вакиллик органлари (парламентлар) томонидан тузилади. Бизнинг Конституциямизга кўра, Ўзбекистонда қонун чиқарувчи орган, яъни олий ҳокимият органи — Олий Мажлис ҳам, давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи Президент ҳам фуқаролар томонидан сайлаб қўйилади. Шундай қилиб, мазкур моддада миллий давлат бошқарувининг шакли, мазмуни ва моҳияти теран ифода этилган бўлиб, биз қураётган жамиятнинг асосий тамойиллари кўрсатиб берилган.

Адлия вазирлигида

Маълумки, мулкчилик ҳар қандай давлат иқтисодиётининг негизини ташкил этади. Яъни жамиятнинг иқтисодий салоҳияти кўп жиҳатдан муайян мамлакатда мулкчилик шакллари қай даражада ташкил этилганига боғлиқ бўлади.

Адлия вазирлигида бўлиб ўтган навбатдаги ўқув машғулоти ҳам айни шу мавзуга бағишланди. Вазирлик қошида қонунчилик тармоқлари бўйича ишчи гуруҳлари фаолият кўрсатади. Мазкур гуруҳлар ўз йўналишларига доир қонунлар ижросини таҳлил қилиб боради. Қонунчилик амалиёти билан боғлиқ муаммоларни ўрганади, амалдаги қонунларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар беради. Вазирликда қонунчилик тармоқлари бўйича ишчи гуруҳи раҳбарлари иштирокида "Ҳуқуқий билимлар" ўқув машғулотларини ҳам ўтказиш кўзда тутилган.

Шу тадбирлар доирасида ўтказилган машғулотнинг дастлабкиси "Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга оид қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари" деб номланиб, у давра суҳбати тарзида ўтказилди.

Унда давлат мулкини хусусийлаштириш моделининг ўзига хос хусусиятлари, бу борадаги қонунларни қаётга татбиқ этиш жараёнининг қандай кечаётганлиги, тажриба ва муаммолар, шунингдек, шу соҳага алоқадор бўлган қонунларни янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди.

ТАДБИРКОР МАНФААТИ – МАМЛАКАТ МАНФААТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Афсуски, бундай қоидабузарликларнинг "ташаббускор"лари аксарият ҳолларда маҳаллий ҳокимият органлари эканлиги ачинарли ҳол, албатта. Моҳиятига кўра, қонунчилик талабларига мутлақо зид бундай хатти-ҳаракатлар натижасида тадбиркорларнинг амалга оширилаётган ислоҳотларга бўлган ишончига жиддий путур етказилмоқда.

Ўтган давр мобайнида ҳокимликлар томонидан жами 2316 нафар тадбиркорнинг маблағлари ва мулкини уларнинг розилигисиз ҳар хил тадбирларга жалб қилиш каби қонунбузилишлар аниқланди. Масалан, Тошкент вилояти ҳокимликлари томонидан бундай усулда 545 нафар тадбиркорлик субъектларининг 106 млн., Сурхондарё вилояти ҳокимликлари томонидан 321 нафар тадбиркорлик субъектларининг 36 млн., Самарқанд вилояти ҳокимликлари томонидан 270 нафар тадбиркорлик субъектларининг 73 млн., Фарғона вилоятида 182 нафар тадбиркорлик субъектларининг 10 млн. сўм маблағлари ноқонуний йўл билан турли хил тадбирларга жалб қилинган.

Шунинг учун, бундай ҳолатга адолат нуқтаи назаридан баҳо бериб, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ишида ҳокимларнинг маъсулиятини ошириш зарур. Ҳокимликларнинг тадбиркорликка ва тадбиркорларнинг қонуний манфаатларига бўлган муносабатларини тубдан ўзгартиришни бугун даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

3) Тадбиркорларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун ер участкалари ажратиб бериш муддати ва тартибини бузиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Бундай қонунбузилишлар республиканинг барча вилоят марказларида содир этилаяпти. Маълумки, тадбиркор ер участкаси ёки биносиз ўз фаолиятини юрита олмайди. Ваколатли органларнинг айрим мансабдор шахслари айби билан вужудга келаётган сансалорликлар оқибатида бу борадаги вазият янада оғирлашмоқда.

4) Адлия вазирлиги томонидан тадбиркорларни 1452 та ноқонуний маъмурий жавобгарликка тортиш ҳолати қайд этилди.

Солиқ идоралари томонидан "солиқни яширди" деган айб билан тадбиркорларни маъмурий ва ҳаттоки жиноий жавобгарликка тортиш ҳолатлари ҳам кўп учрамоқда. Солиқ қонунчилиги мураккаб соҳа бўлиб, ҳар қандай кучли мутахассис ва ҳуқуқшуносслар ҳам уни амалда тадбиқ этишда қийналади. Шу боис тадбиркор солиқ қонунчилигини амалиётда қўллашда хатога йўл қўйиши мумкин, лекин бу ҳолатда уни "қасддан солиқни яширди" деб жавобгарликка тортиш тўғри эмас.

Мақсадимиз ўз вақтида солиқларни ундиришдан иборатлигини чуқур тушуниб олишимиз лозим. Зеро, олдимизга тадбиркорларга нисбатан қўзғатилган жиноий ва маъмурий ишларнинг сонини кўпайтиришни қўймаганмиз. Аксинча, тадбиркорларнинг оёққа туриб олишига ва йўл қўйилган хатоларини тузатишига ҳар томонлама ёрдам беришимиз лозим. Шундагина солиқ тушими кўпайиб, давлатимиз ғазнаси бойийди.

5) Аниқланган 190 минг қонунбузилиш ҳолатининг қарийб ярми, яъни 88 мингдан ошиғи шартномавий муносабатларга тегишлидир. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари, фермерлар кўп ҳолларда моддий-техника ва хомашё ресурсларини олишда қийинчиликларга дуч келяпти. Ҳаттоки пулини тўлаб қўйиб ҳам зарур бўлган минерал ўғитларни олиш ёки даласига трактор киритиш фермер учун қийин кечяпти.

Кўрсатиб ўтилган қонунбузилишларнинг олдини олиш аслида ҳокимликларнинг ҳам асосий вазифаси ҳисобланади. Бу тўғрисида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддасида ҳам белгилаб қўйилган: "Вилоят, туман ва шаҳар ҳокими қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини ташкил этади".

Афсуски, амалиётда ҳамма вақт ҳам бундай бўлмаяпти.

Аниқланган қонунбузилишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, кўплаб тадбиркорларнинг ҳуқуқини бузиш ҳолатлари ҳокимликлардаги мансабдор шахсларнинг етарли ҳуқуқий билимга эга эмаслигидан ҳам келиб чиқяпти. Шунинг учун ҳокимликлардаги юридик хизматни кучайтириш зарур. Лекин айрим туман ҳокимликларида юристлар умуман мавжуд эмас, борларида ҳам етарли малакага эга ҳуқуқшуносслар ишламайди. Бундай аҳволда қандай қилиб қабул қилинаётган қарорларнинг қонун доирасида бўлишини таъминлаш, ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни бартараф этиш мумкин?

Адлия вазирлиги жойларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этиб чиқди, натижаси бўйича вилоят ҳокимларига тақдимномалар киритилди. Қонунбузилиш ҳолатлари Адлия вазирлиги ва вилоят адлия бошқармаси иштирокида барча вилоят ҳамда туман ҳокимликларида муҳокама қилиниб, вазиятни ўзгартиришга қаратилган зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, тадбиркор ҳуқукининг бузилиши юзасидан аниқланган ҳар бир ҳолат бўйича махсус назорат карточкалари юритиш йўлга қўйилди. Ушбу карточкалар қонунбузилиш бартараф этилиб,тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқи тикланиб, айбдор шахслар жавобгарликка тортилгандан сўнг келажакда бу каби қонунбузилишларнинг такрорланмаслигига ишонч пайдо бўлгачгина назоратдан олинади.

Бундан ташқари, барча вилоятларда йил охиригача назорат тартибидаги текширишлар ўтказилади.

Қонунларнинг амалда ишлашини таъминлаш мақсадида вазирлик бошқа қўшимча чора-тадбирларни ҳам қўлламоқда.

Баъзи давлат хизматчиларининг лоқайдлиги туфайли тадбиркорликнинг ривожланишига сунъий равишда тўсиқлар яратиш каби иллатлар охир-оқибатда жамият ривожланишига жиддий тўсиқ бўляпти. Шу боис тегишли идораларга тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш мақсадида тадбиркорлик фаолиятига мансабдор шахслар томонидан асоссиз аралашишларнинг олдини олишга қаратилган аниқ таклифлар киритдик.

Жумладан, тадбиркорлар ҳуқуқларининг бузилиши аксарият ҳолларда давлат хизматчилари томонидан содир этилалаётганлигини инобатга олиб, қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилинганлиги учун Жиноят кодексига жавобгарликни назарда тутувчи махсус моддани киритилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Хусусан, бундай жавобгарлик қонунга зид равишда тадбиркорларни рўйхатга олишни, махсус рухсатнома беришни рад этганлик, пул маблағларига ноқонуний эгалик қилиш, текширишларни ўтказиш тартибини бузиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқини чеклаш ва уларнинг фаолиятига бошқа хил ноқонуний аралашув учун қўлланилиши лозим. Жавобгарликнинг бундай даражага кўтарилиши мансабдор шахсларни кескин тартибга чақирган бўлар эди.

Президентимиз таъкидлаганидек, энг муҳими, тадбиркорликка нисбатан дунёқарашимизни ўзгартиришимиз лозим. Келгусида жамиятимизда хусусий мулкка, тадбиркорга нисбатан юқори даражадаги ҳурмат муҳити ҳукмрон бўлиши зарур. Чунки халқимиз фаровонлиги ҳамда иқтисодиётимиз ривожи айнан шу кичик ва ўрта тадбиркорликнинг қанчалик даражада ривожланишига боғлиқ.

Таъкидлаш жоизки, бу борадаги ишларимизни янада кучайтириб борамиз. Зеро, қонунларнинг ишлашини таъминлаш учун адлия идоралари қонун доирасидаги барча чораларни кўради.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқларига

Қорақалпоғистон Республикаси Прокурорига, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокурорларга

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармалари бошлиқларига

Қорақалпоғистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар миллий хавфсизлик хизмати бошқармалари бошлиқларига

Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар Давлат солиқ бош бошқармаси бошлиғига, вилоятлар Давлат солиқ бошқармалари бошлиқларига

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА

КЎРСАТМА

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**, 2000 йил 25 майдаги **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги **"Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида"**ги Фармони ва улар асосида қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш тартиби белгиланган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари давлат ҳокимияти вакиллари сифатида хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларини, мансабдор шахсларини ва тадбиркорларни фақат текширилаётган ёки ўрганилаётган масала бўйича тушунтиришлар бериш, уларга ойдинлик киритиш ва аниқлаштириш учун белгиланган тартибда чақиришга ҳақли.

Бироқ бир қатор ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ходимлари томонидан қонунчилик талабларига зид равишда, хусусан, Текширишларни рўйхатга олиш Китобини мажбурий равишда тўлдиришдан бўйин товлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини ва тадбиркорларни тушунтиришлар бериш учун чақиргандек бўлиб, аслида уларнинг фаолияти текширилмоқда.

Тадбиркорларнинг шикоятларидан шу нарса маълум бўлмоқдаки, юқорида қайд этилган органларнинг мансабдор шахслари ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, айрим ҳолларда чақирилганларни бир неча соатлаб асоссиз ушлаб турмоқдалар, ўзларини ҳурматсизларча ва менсимаслик билан тутмоқдалар, тааллуқли бўлмаган материалларни талаб қилмоқдалар, айрим ҳолларда эса хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидаги бирон-бир камчиликларни рўкач қилиб, таъмагирлик билан шуғулланмоқдалар.

Табиийки, бундай ҳолатлар тадбиркорлар томонидан норозиликни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларга нисбатан ишончсизликни вужудга келтиради, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатларини бузади, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида маълум тўсиқларни юзага келтиради, уларнинг ишчанлигига салбий таъсир кўрсатади ва фуқароларнинг тадбиркорликдан манфаатдор бўлишига, шубҳасиз, имкон бермайди.

Қонунчиликни қўпол равишда бузилишига йўл қўймаслик, юқорида келтирилган ҳолатларга чек қўйиш мақсадида белгилаб қўйилсинки, қуйидагилар хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ва мансабдор шахсларини ёки тадбиркорларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларга чақириш учун асос бўлади:

— фуқароларнинг қонунлар бузилиши, жиноятлар ёки фуқаролар ҳуқуқлари ва давлат манфаатларини чекловчи бошқа ноқонуний ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ёзма мурожаатлари;

— оммавий ахборот воситаларининг хабарлари;

— назорат қилувчи органларнинг аниқ кўрсатилган хўжалик юритувчи субъект фаолиятида қонунчиликни бузилиши тўғрисидаги маълумотлари.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки тадбиркорни чақирув-таклифномаси ёзма равишда юборилади. Таклиф қилинаётган шахслар аниқ масала юзасидан ўтказиладиган суҳбат ёки муҳокаманинг моҳияти тўғрисида олдиндан хабардор қилинади.

Хўжалик юритувчи субъектлардан уларнинг фаолиятига дахлдор бўлган зарур ҳужжатларни ўрганиш учун талаб қилиб олиш қонун билан бундай ҳуқуқ берилган

Ҳуқуқий маърифат

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ: КАФОЛАТ ВА АМАЛИЁТ ЙЎНАЛИШИ

Акциядорлик жамияти деганда нималар назарда тутилади? Унинг асосий мазмун-моҳияти нима? Ушбу саволларга жавоб беришдан олдин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, акциядорлик жамияти тижорат ташкилоти ҳисобланиб, асосий фаолияти фойда олишга йўналтирилган бўлади. Мазкур жамият низом жамғармаси акциядорларнинг оддий ва имтиёзли акцияларига тақсимланади ва хўжалик юритувчи субъект сифатида қўшган улуши бўйича акциядорларга мажбурият белгилайди.

Европа ва МДҲ давлатлари қонунчилигида акциядорлик жамиятининг юридик шахс сифатида юритадиган фаолияти турлича таснифланган. Мисол учун айтадиган бўлсак, Франциянинг "Савдо ширкатлари тўғрисида"ги Қонунида акциядорлик жамияти иштирокчилар ўртасида тасдиқланадиган низом жамғармаси муайян акцияларга тақсимланган ҳамда фақат қўшган улуши бўйича мажбуриятни белгиловчи ширкат экани белгилаб қўйилган. Германиянинг Акциядорлик Қонунида эса акциядорлик жамияти ширкат ҳисобланиб, ўзининг ҳуқуқий субъектига эгалиги ҳамда Жамиятнинг кредиторлар олдидаги мажбурияти фақат ширкат мулки асосида эканлиги таъкидланган.

Мамлакатимизда эса ҳозирги пайтда юридик шахс мақомига эга бўлган очиқ ва ёпиқ шаклдаги акциядорлик жамиятлари фаолият юритмоқда. Шу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, акциядорлик жамиятлари ҳиссасининг ўсиши иқтисодиётда бевосита мулкнинг ўз эгасини топишига, кишиларнинг мулкдор сифатидаги манфаатларини таъминлаб, ҳар бир фуқаронинг турмуш фаровонлиги ўсишига ижобий таъсир қила бошлади.

Акциядорлик жамиятларининг фаолиятини амалга оширишдаги ўзига хос ҳуқуқий кафолатлари Конституция, Фуқаролик кодекси, **"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги, **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонуни ҳамда бошқа қонун ости актларида ўз ифодасини топган. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги, банк, инвестиция ва суғурта фаолияти соҳаларида ва давлат корхоналарини хусусийлаштириш чоғида акциядорлик жамиятлари тузишнинг ўзига хос хусусиятлари махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддасига асосан акциядорлик жамияти юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкига эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириши мумкин. Шунингдек, **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонуннинг 19-моддасига биноан акциядорлик жамияти ўзининг таъсис ҳужжатларида фаолиятининг асосий турларини санаб ўтиши билан кифояланишга ҳақли. Жамият қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган исталган фаолият тури билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шуғулланиши мумкин.

"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддасига биноан давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлигини, барча мулк шаклларини тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Шунингдек, акциядорлик жамиятлари томонидан мамлакатимиз ҳамда хорижда филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиши мумкин. Улар таъсисчи томонидан мол-мулк билан таъминланади ва шу жамият тасдиқлаган низомлар асосида иш кўради.

Энди ана шу жамиятларнинг амалдаги фаолиятига назар солсак, бу борада бир қанча камчилик ва нуқсонлар борлиги маълум бўлади. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, ҳозирги даврда кўпгина акциядорлик жамиятлари томонидан акциядорларга дивидендларни тўлаш тартибларининг бузилиш ҳолатлари мавжуд. Акциядорликка тегишли бўлган Қонуннинг 53-моддасида белгиланганидек, дивиденд фойданинг солиқлар ва мажбурий тўловлар тўланганидан, қайта инвестиция амалга оширилганидан сўнг акциядорлар жамияти ихтиёрида қоладиган, акциядорлар ўртасида тақсимланиши керак бўлган қисмидир. Жамият акцияларининг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт. Акциядорлар жамиятининг умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин.

Акциядорликка тегишли бўлган Қонуннинг 56 – моддасида дивидендлар жамиятнинг жорий йилдаги соф фойдасидан тўланиши лозимлиги кўрсатилган. Муайян турдаги имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг махсус мўлжалланган жамғармалари ҳисобидан тўланиши мумкин.

Шунингдек, йиллик дивидендларни тўлаш санаси жамият устави ёки акциядорлар умумий йиғилиши чиқарган қарор билан белгилаб қўйилади ва шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим. Оралиқ дивидендларни тўлаш санаси кузатув кенгашининг оралиқ дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори билан белгиланади, бироқ ана шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан камида 30 кун ўтиши кераклиги белгиланган.

Амалиётда айрим акциядорлик жамиятлари томонидан акциядорларнинг дивидендларни ўз вақтида тўлаш шартларига доимий тарзда риоя этмаслик ҳолатлари учраб турибди. Ҳаттоки, имтиёзли акциялар соҳиби бўлган акциядорларга дивидендларни ўз вақтида тўламаслик ҳолатлари ҳам мавжуд бўлиб, бу Қонуннинг 27-моддасида кўрсатилган акциядорларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келади.

Дивидендлар тўлаш вақтида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланиши лозим. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда жамият мазкур акцияларни сақловчиларга дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаса ёки зарар кўриб ишлаган бўлса, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ана шу мақсад учун ташкил этилган жамият захира жамғармаси ҳисобидан ва ана шу жамғарма доирасидагина тўланиши мумкин.

Жамият дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Очиқ турдаги акциядорлик жамияти тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни дивидендлар тўланадиган санадан 31 календар кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши лозим.

Шунингдек, кўпгина акциядорлик жамиятлари томонидан суғурталаш масалаларига эътиборсизлик билан қараш натижасида айрим акциядорлик жамиятлари иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолмоқда. Яъни улар суғурталаш йўли билан ўзини ҳимоялаш имконидан фойдаланиш мумкинлигини англай олмаяпти.

Жамият мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли жавобгар бўлади. Акциядорларнинг маблағлари сақланиши учун эса ўзи жойлаштирган қимматли қоғозларнинг камида номинал қиймати даражасида жавобгар бўлади. Шунингдек, у ўз жавобгарлигини суғурта ташкилотларида суғурталаб қўйиши шарт.

Бозор иқтисодиётининг қонунлари шуни тақоза қиладики, ҳар бир корхона ҳам барқарор фаолият кўрсатиш учун курашади, лекин барчаси ҳам бунга эриша олмайди. Барқарор фаолият қонунларни яхши ўрганиш натижасида йўлга қўйилади. Шу боис ҳар бир фуқаро дастлаб қонунларни пухта ўзлаштириши лозим.

Отабек ТОШЕВ,
Адлия вазирлиги бошқармасининг бош маслаҳатчиси

Оталар дейдики:

Олтмишга кирган отадан ош сўрама.

* * *

Оқ бўлсанг, онт ичма.

* * *

Адоват эмас — адолат енгади.

* * *

Бел ушлаганда отангни ҳам аяма.

* * *

Билаги зўр — бирни йиқар, билими зўр — мингни.

* * *

Бир калима ширин сўз қилични қинга киритар.

* * *

Вақт ўтгандан кейин қиличингни тошга чоп.

* * *

Душмандан кўрқма, мунофиқдан кўрқ.

ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМНИНГ ТАЯНЧ МАСКАНИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

— Ўтган ўн йил институтимиз жамоаси учун ўзгаришлар ва изланишлар даври бўлди. Институтимиз олдида, биринчидан, таълим-тарбия жараёнини бутунлай ўзгартириш, эски мафкурадан воз кечиб, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган мутахассислар тайёрлашга ўтиш; иккинчидан, янги ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалари ва жаҳон таълим стандартларига мос келадиган дарсликлар яратиш; учинчидан, ўқув даргоҳининг биносини қайта таъмирлаш, уни замонавий техника жиҳозлари билан безатиш каби вазифалар кўндаланг турарди. Ўқув жараёни мазмунан ва шаклан янгиланди. Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг кўрсатмалари, "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва жамиятда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш Миллий дастури жамоамиз фаолиятини янгича ташкил этиш ҳамда йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Истиқлол шарофати билан институтимизда "Фуқаролик процессуал ҳуқуқи", "Хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи", "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти", "Ўзбекистон тарихи", "Халқаро хусусий ҳуқуқ" каби янги кафедралар, компьютер маркази, маънавият ва маърифат, инспекция-назорат, халқаро алоқалар бўлимлари ташкил этилди. "Экологик-процессуал ҳуқуқ", "Халқаро экология ҳуқуқи", "Банк ҳуқуқи", "Солиқ ҳуқуқи", "Шартнома ҳуқуқи", "Интеллектуал мулк ҳуқуқи", "Оила ҳуқуқи" каби янги фан соҳалари ўқув жараёнига киритилди. Мутахассислар тайёрлашда кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастуридан келиб чиқилган ҳолда бакалавр ва магистр тайёрлаш тизимига ўтилди. Ўтган ўн йил ичида институтимизни 7 мингдан зиёд талаба битказиб ҳаётга йўлланма олди. Улар республикамизнинг турли ҳудудларидаги ҳуқуқ идораларида, суд-прокуратура ва нотариатларда хизмат қилмоқда.

Институт ташкил топган биринчи кунлардаёқ мутахассислар тайёрлашни мақсадли амалга ошириш учун 4 та факультет ташкил этилди. 1-ҳуқуқ (Илгари "Давлат қурилиш ва бошқаруви") факультети қошида "Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи", "Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви", "Маъмурий ва молия ҳуқуқи", "Халқаро ва қиёсий ҳуқуқ" кафедралари фаолият кўрсатмоқда.

2-ҳуқуқ факультетида асосан юридик хизмат идоралари учун мутахассислар тайёрланади. Мазкур факультетда "Фуқаролик ҳуқуқи", "Фуқаролик жараёни", "Экология ва қишлоқ хўжалиги", "Хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи", "Халқаро хусусий ҳуқуқ" кафедралари фаолият кўрсатмоқда.

3-ҳуқуқ факультети институтнинг энг катта (илгариги суд-прокурорлик) факультетидир. Унда ҳозир 70 га яқин ўқитувчи-профессор талабаларга таълим беради.

Ўқув масканимизда сиртқи таълим бўлими ҳам фаолият кўрсатаяпти. Сиртқи бўлимда ҳозир 1200 га яқин талаба ўқийди. Уларнинг ярмидан кўпи контракт асосида таълим олади.

1999 йили институтимизда магистратура очилди. Унда жаҳон таълим тизимига мос келадиган "Хусусий ҳуқуқ", "Оммавий ҳуқуқ", "Экология ҳуқуқи", "Молия ва солиқ ҳуқуқи", "Криминал ҳуқуқ", "Адвокатура", "Халқаро ҳуқуқ" каби ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрланади. Якунланган 2000-2001 ўқув йилида магистратуранинг дастлабки қалдирғочлари ҳаётга йўлланма олишди. Уларнинг аксарияти ҳуқуқий соҳани юксалтиришга, қонунларни такомиллаштириш ва уларни ҳаётга тадбиқ этишга ҳисса қўшишни ният қилишган. Ҳозирги пайтда магистратуранинг йўналишлари 10 тага етди.

Таълим масканимизда ўқув-ташкилий ишларни компьютерлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. 1998 йили "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари" кафедраси ташкил этилди. Ўқув жараёнига WINDOWS системалари ва Интернет тизимидан фойдаланиш жорий этилган.

Кафедра қошидаги компьютер марказида 20 дан ортиқ фан соҳалари бўйича компьюетр слайдлари билан ўқитиш усули қўлланилмоқда ва 18 мавзу бўйича видеодарслар ўтилади.

Институтимиз жамоаси халқаро ташкилотлар ва чет давлатлардаги ўқув даргоҳлари билан кенг алоқалар ўрнатган. Масалан, Индиана ва Манчестр университетлари (АҚШ), Оксфорд университети (Буюк Британия), Будапешт университети (Венгрия), Нагойя университети (Япония) каби дунёнинг нуфузли дорилфунунлари билан яқин ҳамкорлик қилмоқдамиз.

Бундан ташқари, жамоа халқаро ташкилотлар билан иҳодий ҳамкорлик алоқалари ўрнатган. Жумладан, АКСЕЛС, COLRI, TACIS, Гёте институти, ЮНИСЕФ, СОРОС жамғармаси АДЕНАУЭР фонди, Юнайка Гендер ва тараққиёт бюроси билан ўрнатилган ҳамкорлик яхши натижалар бераяпти. Бу алоқаларимиз келгусида янада кенгаяди. Жаҳондаги энг илғор мамлакатлар университетлари билан мутахассислар тайёрлаш, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар ёзиш, тажрибалар алмашиш институтимиз фаолиятининг устувор йўналишига айланади.

Институтимиз жамоаси мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар жараёнида ҳам фаол қатнашиб, ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, жамоамиз Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат, Оила, Жиноят кодекслари ва бошқа қонунларни тайёрлашда бевосита қатнашишди. Шунингдек, институтимиз олимлари томонидан икки юздан зиёд дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилди.

Институтимизнинг профессор-ўқитувчилари академик лицей, бакалавриат, магистратура, аспирантура босқичлари учун ҳуқуқий фанлар юзасидан давлат стандартлари, намунавий ўқув режа ҳамда дастурларни ишлаб чиқди ва уларни ўқув жараёнига жорий этди.

Аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳам жамоамизнинг ўз ҳиссаси бор. Институт қошида СОРОС жамғармаси ёрдамида кишиларга бепул юридик хизмат кўрсатиш юридик клиникаси ташкил этилган. У талабалар учун амалий тажриба маскани бўлиб ҳам хизмат қилади. Худди шунингдек, институт қошида ташкил этилган Ҳуқуқий маърифат ва тарғибот маркази мана 4 йилдан бери кенг ташвиқот ишларини олиб боради. У республикамизнинг деярли барча ҳудудларида Конституциямиз ва қонунларимизни аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиб келмоқда.

Институтмиз қошида академик лицей очилган. Иқтидорли ёшларни юридик соҳага тайёрлаш, уларда ёшлигиданоқ ҳуқуқ илмига меҳр ва қизиқиш уйғотиш лицейнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Жамоамиз олдида ҳали улкан вазифалар турибди. Биринчидан, ўқув жараёнини замонавий компьютерлар ва техника жиҳозлари билан қайтадан қуроллантириш. Келгусида Интернетдан фойдаланиш ўқув жараёнининг таркибий қисмига айланади. Иккинчидан, жаҳон цивилистлари ва илғор ўқув даргоҳлари билан иҳодий алоқалар кенгаяди. Ўқитувчи-профессорлар ва талабаларнинг чет элларда тажриба орттириши кенг йўлга қўйилади.

Ҳозир ҳуқуқ илми, қонунчилик ва ҳуқуқ маданияти жаҳон миқёсида фикр юритадиган, ўзбек юриспруденциясини янги босқичга кўтара оладиган, ҳар томонлама билимли ва тажрибали мутахассислар тайёрлашни талаб этмоқда. Куни кеча ўз ишини якунлаган Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясидаги маърузасида Юртбошимиз "Тошкент Давлат юридик институти фақат таълим йўналишидаги ўқув юрти бўлиб қолмай, жиддий илмий база асосида ҳуқуқий тизимни ислоҳ қилиш билан боғлиқ дастурлар, қарорлар лойиҳалари тайёрлайдиган илмий ва ташкилий марказга айланиши лозим", деб таъкидладилар. Президентимизнинг ушбу маърузасида қўйилган долзарб вазифаларни амалга оширишга жамоамизнинг салоҳияти ва имконияти етарли, деб ўйлаймиз.

Бизга ёзадилар

ГАЗЕТХОН НЕГА РАНЖИМОҚДА?

Ҳурматли таҳририят! Жамоамиз аъзолари ўтган мавсумда 2001 йил учун бир нечта вақтли матбуот нашрларига обуна бўлишган. Аммо газета-журналлар ўз вақтида етиб келмаётганлиги ходимларимизни ранжитмоқда. Вақтли матбуот нашрлари уч кун, ҳатто ҳафталаб обуначиларга етиб келмайди. Ахир, биз йил бошиданоқ газета ва журналларга обуна бўлганимизда унинг олиб келиб тарқатилишигача бўлган барча хизмат ҳақини қўшиб тўлаймиз-ку! Нега энди нашрлар биз обуначиларга ўз вақтида етказиб берилмайди?!. Қолаверса, яна саноқли кунлардан сўнг бошланадиган келгуси йил обунасига бундай нуқсонлар таъсир этмайдими?!.

Сожида САФАРОВА,
Бойсун туман улгуржи чакана савдо ҳиссадорлик бирлашмаси ходими

Биз мактубда келтирилган ҳақли эътирозларни инобатга олиб, шу йилнинг август ойида Бойсун туманига вақтли матбуот нашрларини келтиришнинг қандай йўлга қўйилгани билан қизиқдик. Шу жараённи ўрганиш мобайнида газетхон нечоғлик ҳақ эканлигига ишонч ҳам ҳосил қилдик.

Бунинг сабаблари нима билан изоҳланади?

Хўш, вақтли матбуот нашрлари нега Бойсун туманига кечикиб келмоқда?

Сурхондарё вилоят Давлат алоқа инспекциясининг бошлиғи Жумагул Муродованинг бизга маълум қилишича, вақтли матбуот нашрларини ҳафтанинг беш кунида Термиз шаҳридан олиб келиниш тартиби тасдиқланган. Лекин "Сурхондарё-почта" акциядорлик жамияти белгилаган тартибни ўзларича икки кунга қисқартиришиб, ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунларида нашрларни етказиб беришни "кашф" қилишди. Баҳона эса тайёр: транспорт етишмас эмиш, ёқилғи йўқ эмиш.

Келинг, яхшиси далилларга мурожаат қилайлик. Жорий йилнинг 20-23 август кунлари, яъни сешанба, чоршанба, пайшанба кундаги газета-журналлар Бойсунга 23 август пайшанба куни кечқурун соат 18 да келтирилиб, 24 август жума куни обуначиларга тарқатилди. Вақтли матбуот нашрлари газетхонга тўрт кун ўтгач, кечикиб етказилди. "Қишлоқ ҳаёти", "Халқ сўзи" газеталарининг 24 август жума кунидаги сонлари 25 август кечқурун соат 18^{30} да олиб келиниб, ўша куни шанба бўлгани учун газеталар 27 август душанба куни обуначиларга етказилди. 25 август шанба кунидаги чоп этилган вақтли матбуот нашрларининг барча сонлари орадан уч кун ўтгач, 28 август кечқурун туман почтасига олиб келинди.

Албатта, газета-журналларнинг бундай кечикиб олиб келиниши газетхонларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганлиги кечирилмас ҳолдир. "Сурхондарё-почта" акциядорлик жамияти (бошлиғи А.Тўрақулов) раҳбарияти бундай камчиликларни кўра била туриб, кўз юммоқда. Аҳвол шунда давом этаверса, ишга совуққонлик билан қаралса, келгуси йил обунасига салбий таъсир этиши мумкин-ку!

Ахир, обуначи йил бошидаёқ ўзига тегишли нашрларнинг вақтида етказиб берилишига кетадиган барча харажатларни олдиндан тўлаб қўяди. У ҳали экилмаган экинга олдиндан пул тўлаб қўйса-ю, маҳсулотини ўз вақтида ололмаса, буни қандай тушуниш керак?!

"Сурхондарё-почта" акциядорлик жамиятидаги мутасаддилар бойсунлик обуначиларнинг ҳақли талабларига нима деб жавоб беришар экан?

Биз уларнинг жавобларини кутамиз.

Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Савол беринг!

Уни хат ҳамда 133-70-65, 132-14-18 рақамли телефонлар орқали кутамиз.

Менинг акам ва синглим Фарғона вилоятида истиқомат қилади. Ўзим хизмат юзасидан Навоий шаҳрига келиб қолганман. Отамиз қазо қилганида биз ёш бола эдик. Яқинда онамиз ҳам вафот этди. Ота-онадан қолган уй-жойдан ҳозир акам фойдаланиб турибдилар. Шу меросдан ўз улушимни олиш учун мен қандай йўл тутишим керак. Илтимос, шу тўғрида батафсил маълумот берсангизлар.

Ё.ҚОДИРОВ,
Навоий вилояти

Саволга Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасининг катта нотариуси Матлуба Неъматова жавоб беради:

Аввало, айтиш лозимки, ҳар мероснинг ўз очилган жойи бўлади ва бу борада ўша ердаги давлат нотариуслари иш олиб боради. Яъни, мерос очилган жойдаги нотариуслар Фуқоралик Кодексининг 1146-моддасига биноан меросхўрларнинг ёзма аризаларига кўра меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар беради.

Меросни қабул қилиб олиш, ундан воз кечиш ҳақидаги аризалар ёзма равишда қабул қилинади.

Меросхўрнинг ана шу аризасидаги имзосининг ҳақиқийлиги нотариал ҳаракатларни амалга оширишдаги органлар томонидан шаҳодатлантирилиши керак.

Меросхўр мерос очилган жойдаги давлат нотариал идорасига шахсан келиб ариза берган тақдирда, унинг имзоси шаҳодатлантирилиши талаб этилмайди. Бу ҳолда нотариус меросхўрнинг шахсини аниқлайди ва имзосининг тўғрилигини текширади, бу ҳақда аризага ёзиб қўяди ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг номини, унинг рақамини, берилган вақтини, шу ҳужжатни берган муассасанинг номини, шахсини, туғилган йилини кўрсатади.

Агар ариза почта орқали олиниб, меросхўрнинг имзоси ҳақиқийлиги шоҳодатлантирилмаган бўлса, бу ариза давлат нотариуси томонидан қабул қилинади, меросхўрга эса аризани тегишли тарзда расмийлаштирилган ҳолда юбориш ёки давлат нотариал идорасига шахсан келиш таклиф этилади.

Мерос олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан бошлаб олти ой ўтгандан кейин берилади, Фуқоролик Кодексининг115-моддасида кўзда тутилган ҳолларда эса, унда кўрсатилган муддатдан илгари берилмайди.

Қонун бўйича, шунингдек, васиятнома бўйича мерос олиш вақтида мерос олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома, давлат нотариал идорасида гувоҳнома бериш тўғрисида ариза берилгандан ташқари, бошқа меросхўрларнинг йўқлиги тўғрисида маълумотномалар бўлган тақдирда олти ойдан эртароқ ҳам берилиши мумкин.

Мулк, мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома тегишли давлат органига мерос очилган кундан бошлаб олти ой ўтгандан кейин берилади.

Ёшлар — эртанги кунимизнинг эгалари

САХОВАТ

Байрамларда, тўйу маъаракада кўнгли ярим кишиларни, етим-есирларни йўқлаш халқимизга хос азалий қадриятлардан саналади. Дилларимизга ўзгача руҳ бағишлаб келган энг улуғ байрамимиз — мустақилликнинг 10 йиллиги муносабати билан юртдошларимиз энг аввало, эътиборга муҳтож кишиларнинг дилларини хушнуд этишга ошиқмоқдалар. Зеро, ҳамма бирдек қувонган, шодланган байрам ҳақиқий байрамдир. Мустақилликнинг пойқадами ҳам жуда кўп кўнгилларга ёруғлик олиб кирди.

— Элимизнинг энг улуғ байрамларида қўлимиздан келганча хайрли, савоб ишларни амалга оширишга ҳаракат қиламиз, — дейди пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги Илҳом Исломов. — Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги байрами ўз номи, салобати билан ўхшаши йўқ, қадрли байрам. Жамоамиз бу байрамни сергакликда ҳамда юракларида соғинч билан қаршиладилар. Улуғ аймёмда бу кунларга етолмаган, хизматни ўташ чоғида қурбон бўлган ҳамкасбларимизни хотирлашни ҳам ёдимиздан чиқармадик.

Элу юрт тинчлиги йўлида фидокорона меҳнат қилган, лекин осойиштаргимизни сақлаш йўлида ҳаётдан бевақт кетган Дилмурод Мавлонов, Бексаид Кентаев, Шамсиддин Мирсалимов, Ўринбой Рашидов, Нурали Нуриллаев, Шуҳрат Исмоилов каби милиция ходимларининг оилалари ва фарзандларига бошқарма томонидан моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилди.

(ЎзА)

Жаҳон тажрибаси

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ҲИМОЯСИ

* Муаллифлик ҳуқуқи нима?
* БИМТ нима билан шуғулланади?

Муаллифлик ҳуқуқи инсон ҳуқуқларининг ажралмас таркибий қисмидир. Шу боис инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ҳужжатларда муаллифлик ҳуқуқига оид муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ муносабатлар ҳам қайд этилган. Масалан, 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 27-моддасида ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этишга, санъатдан баҳраманд бўлишга, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самараларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Жаҳонда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш масалалари билан БИМТ, ЮНЕСКО, Бутунжаҳон савдо ташкилоти ва бошқа ташкилотлар бевосита шуғулланиб келади. Қуйида ушбу ташкилотларнинг фаолияти билан яқиндан танишиб чиқамиз.

Бутун Жаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилоти (БИМТ)

БИМТ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мақоми билан ишлайдиган ва унинг тизимидаги халқаро ташкилотларнинг бири ҳисобланади. 1967 йил 14 июл куни Стокгольм шаҳрида имзоланган "Бутунжаҳон Интеллектуал Мулки Ташкилотини ташкил этиш ҳақидаги Конвенция" асосида ташкил этилган. Конвенция 1970 йилда кучга кирган.

БИМТнинг аъзоси бўлиш учун давлатлар Бош директорга ратификация қилинган ёрлиқ ёки қўшилиш ҳақидаги Актни сақлаш учун топширишлари лозим.

1976 йилда БИМТ Конференцияси томонидан доимий дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унинг бош вазифаси иҳодий ходимларни ҳар томонлама рағбатлантириш, адабиётга оид асарларни тарқатиш, ривожланаётган давлатларда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунчиликларни такомиллаштириш ҳамда шу соҳа билан шуғулланаётган ташкилотлар ишига амалий ёрдам беришдан иборатдир.

Ёш ва ривожланаётган давлатларнинг муаллифлик ҳуқуқи ҳамда турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунчилик тизимини яратиш мақсадида БИМТ ва ЮНЕСКО ташаббуси билан Намунавий Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган. Намунавий Қонун лойиҳаси 1976 йили Тунис шаҳрида экспертлар Кенгашида қабул қилинган. Ушбу Қонун лойиҳасида БИМТнинг барча фаолияти акс эттирилган.

БИМТ ташкил топгандан сўнг ҳаракатда бўлган муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги кўплаб халқаро конвенциялар меъёрларини бутун дунё мамлакатлари миллий қонунчилик меъёрлари орқали ижрога қаратишга муваффақ бўлди. Ҳозирги вақтда деярли барча давлатларда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик асослари яратилган. Шунингдек, БИМТ муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга оид қонунлар лойиҳаларини ўрганиб чиқиш ҳамда тавсиялар бериш билан шуғулланиб келмоқда. Қабул қилинган янги қонунлар, ҳуқуқий адабиётларни чоп этиш ва тарқатиш ҳам яхши йўлга қўйилган.

БИМТнинг вазифаларидан бири бутун дунёда давлатлар ўртасида келишув ва Битимлар асосида интеллектуал мулкни ҳимоя қилишни мувофиқлаштириш, ҳар хил шартнома ҳамда конвенцияларнинг маъмурий бошқарувини таъминлашдан иборат. БИМТнинг маблағлари ва фаолияти асосан ривожланиб келаётган давлатлар, айниқса, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари, Яқин Шарқ мамлакатлари ва бошқа давлатларнинг ривожланишига қаратилган. Бу ташкилот 1974 йил декабр ойида БМТнинг ҳукуматлараро халқаро ташкилот деган мақсус мақомини олган.

БИМТнинг мақсадлари қуйидагилар деб эътироф этилган:

а) Бутун дунёда давлатлараро, айрим ҳолларда халқаро ташкилотларда интеллектуал мулк ҳимоясини рағбатлантиради. Дунёда интеллектуал мулк ҳимоясини таъминлаш ва рағбатлантириш борасида янги ва ҳар томонлама зарур бўлган халқаро шартномаларнинг юзага келишида воситачилик қилади. Шунингдек, бу ташкилот барча давлатларда интеллектуал мулкка оид миллий қонунчиликнинг яратилишида ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатади, аъзо давлатларнинг бир-бири билан маъмурий алоқалар ўрнатилишида етакчилик қилади;

б) Интеллектуал мулкка оид бўлган ва фаолият кўрсатаётган битимларнинг олий органлари оралиғида маъмурий фаолиятни бажаради. БИМТнинг котибияти сифатида Битимлар маъмурий бошқаруви ва халқаро Бюро ҳаракатда бўлади. 1999 йилнинг январигача 160 дан ортиқ давлат БИМТнинг аъзоси ҳисобланган. Шу кунга қадар БИМТ муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар ҳимояси билан шуғулланувчи Адабиёт ва бадиий асарларни ҳимоя қилиш ҳақидаги Берн Конвенцияси, Ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилари ва кўрсатув органлари манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақидаги Рим Конвенцияси, Фонограмма ишлаб чиқарувчиларнинг фонограммаларини қонунсиз ишлаб чиқаришдан манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақидаги Женева Конвенцияси, сунъий йўлдошлар орқали узатиладиган сигналлар дастурларини ташувчиларни тарқатиш ҳақидаги Брюссел Конвенцияси, фильмларни реестр қилиш ва аудиовизуал асарларни Халқаро рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги шартномаларнинг маъмурий вазифасини бажариб келмоқда:

БИМТ учта – Бош Ассамблея, Конференция, Мувофиқлаштирувчи Қўмита каби раҳбар органларга эга.

Бош Ассамблея БИМТнинг аъзоси давлатларидан ҳисобланган давлатлар ва Париж ёки Берн Битимларини Ассамблея аъзоларидан ташкил топади. Конференция эса БИМТнинг барча аъзо давлатларидан ҳисобланган давлатлари ҳисобига ва Париж ёки Берн Битимларининг Ассамблея аъзоларидан ташкил топади. Конференция эса БИМТнинг барча аъзо давлатлари ҳисобига ташкил этилади. Мувофиқлаштирувчи қўмита эса Париж ва Берн Битимлари аъзоси ҳисобланган БИМТ аъзолари орасидан сайланади.

Бош Ассамблея барча Иттифоқ (Битим)лар учун икки йиллик харажатлар бюджетини тасдиқлайди. Конференция эса икки йиллик Конференциянинг бюджетини тасдиқлайди.

Бош Ассамблея ва Конференция навбатдаги сессияларда икки йилда бир марта йиғилади. Бундай ҳолатда мувофиқлаштирувчи Қўмита навбатдаги сессияга бир йилда бир марта йиғилади.

БИМТнинг ижрочи бошлиғи Бош директор ҳисобланади. Бош директор Бош Ассамблея томонидан 6 йил муддатга сайланади.

Муаллифлик ҳуқуқига оид бўлган Берн Иттифоқи ёки саноат мулкига оид Париж Иттифоқи ёхуд БМТ аъзоси, шунингдек, БМТнинг махсус бирор ташкилотининг аъзоси бўлган ёки Халқаро Суд мақоми тарафдори бўлган давлат БИМТнинг аъзоси бўлиши мумкин. БИМТ Бош Ассамблеясининг таклифига биноан ҳам БИМТнинг аъзолигига қабул қилиниши мумкин.

Бобоқул ТОШЕВ,
ҳуқуқшунос

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТЧИНГИЗ БОРМИ?

Агар бўлса, у нима билан машғул?

Ушбу саволга жойлардан қуйидаги жавобларни олишингиз мумкин:

— Бор, — дейди биринчи корхона раҳбари, — ул-бул ишларни бажариб юрибди.

– Ҳуқуқий маслаҳатчимиз бор-у, - дейди иккинчиси, - лекин, тўғрисини айтсам, унинг нималар билан машғуллигини аниқ билмайман.

— Йўқ, бизда бундай лавозимда ҳеч ким ишламайди, - дея жавоб беради учинчиси.

Ниҳоят, тўртинчи, бешинчи ёки ўнинчи раҳбарнинг жавоби сизни қаноатлантиради. Улар жамоада ҳуқуқий маслаҳатчи фаолияти самарали бўлиб, кўп фойдаси тегаётганини таъкидлашади.

Афсуски, бундайлар озчиликни ташкил этади.

Хўш, корхона, ташкилот ёки муассасалардаги ҳуқуқий маслаҳатчи лавозими қандай лавозим? Ҳуқуқий маслаҳатчининг ўзи ким? Унинг давлат ва жамиятда мақоми нима билан изоҳланади? Умуман айтганда, ҳуқуқий демократик жамият барпо этилаётган бугунги кунда ҳуқуқий маслаҳатчининг ўрни қандай бўлиши керак?

Бу саволларга Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури"да аниқ жавоб топиш мумкин.

Ҳуқуқий давлат қуриш учун аввало, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, ҳуқуқий маданиятни тўла шакллантириш керак. Ана шу улкан вазифаларни амалга оширишда давлат бошқарув органлари, шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхоналарда юридик хизматнинг ўзига хос ўрни бор. Чунки Дастурда таъкидланганидек, талайгина ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳоллари ҳуқуқий билимнинг етарли эмаслиги, ҳуқуқий маданият даражаси пастлиги оқибатидир. Агар айнан шундай мансабдор шахс ишлаётган жойда ҳуқуқий маслаҳатчи фаоллик кўрсатса, қонунчиликнинг амалда тўғри тадбиқ этилишига кафил бўлолади. Шу боисдан юқоридаги саволларга ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бораётган, халқ хўжалигида бозор муносабатларини қарор топтираётган мамлакатимиз учун юксак савияли ҳуқуқшунос маслаҳатчилар жуда зарур деб жавоб бериш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги 118-қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналаридаги юридик хизмат тўғрисида"ги Низомда ҳуқуқшунос мутахассис ва унинг мақомига батафсил жавоб берилган.

Бир сўз билан айтганда иқтисодий-ижтимоий фаолиятимизнинг барча жабҳаларида қонунчиликни тўғри қўллаш ва унга тўла риоя қилиш учун ҳуқуқий маслаҳатчи кўмаги даркор.

Келинг, масалага иқтисодий нуқтаи назардан ёндашайлик.

Маълумки, мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик фаолияти учун кенг йўл очилган. Шу боис хусусий тадбиркорлик субъектлари ой сайин кўпайиб, уларнинг истеъмол бозоридаги ўрни тобора ортиб бормоқда. Бироқ хусусий тадбиркор ёки ҳар қандай ишлаб чиқарувчи ким биландир муносабатда бўлади, кимдандир хомашё олади, кимгадир маҳсулот сотади. Ана шу олди-сотдиларнинг барчаси шартномавий муносабатларни ташкил этиб, шартнома ҳужжатларида ўз аксини топади. Ушбу ҳужжатлар юридик жиҳатдан асосли ва мукаммал тузилган бўлиши керак. Бунинг учун эса ҳуқуқий маслаҳатчи хизматига эҳтиёж туғилади.

Хўжалик судлари амалиётида судга ариза билан мурожаат қилаётган даъвогар кўп ҳолларда шартнома ҳужжатлари қонуний ва мукаммал бўлмаганлиги, яъни ҳуқуқий саводсизлик билан тузилганлиги учун ютқизиб қўйилмоқда. Биргина мана шу ҳолнинг ўзи давлат бошқарув идораларида ҳам, мулкчилик шаклидан қатъи назар, бошқа корхоналарда ҳам ҳуқуқшунос маслаҳатчи хизматидан тўла фойдаланилмаётганлиги ва шу туфайли корхоналарга катта миқдорда иқтисодий зарар етаётганлигидан дарак беради.

Демак, юксак савияли, билимли ҳуқуқшунос маслаҳатчиларга нисбатан замон талаби тобора ортиб бормоқда. Ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш иста-ритилди. Адлия бошқармасида ҳуқуқшунос маслаҳатчиларнинг малака ошириш ўқишлари ташкил этилиб, аксарият ҳуқуқшунос маслаҳатчилар синовдан ўтказилди. Ўнлаб хўжалик юритувчи субъектларда ҳуқуқий маслаҳатчиларнинг Низом талабларига зид тарзда фаолият кўрсатаётганликлари аниқланди.

Баъзи бир хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари масъулиятсизликлари туфайли малакали ҳуқуқшунослар ўрнига умуман юридик маълумотига эга бўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш ҳоллари ҳам учрайди. Вилоят бўйича 3 та хўжалик юритувчи субъектларда бундай ҳолат мавжудлиги аниқланди. Йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш чоралари кўрилди.

Умуман, ушбу масалада бир қанча муаммолар мавжуд. Энг асосий муаммо - корхона, ташкилот ва хўжаликлар раҳбарларининг юридик хизматга бўлган муносабати. Кўплаб хўжаликлар, ташкилотлар ўз штатлар жадвалида шундай лавозимларни назарда тутмаганлар. Борлари ҳам иш учун етарли шароитга эга эмас. Ҳуқуқий маслаҳатчиларнинг алоҳида иш кабинетлари, ҳуқуқий адабиётлар ва меъёрий ҳужжатлари ортиб бормоқда. Бироқ ҳуқуқшунос маслаҳатчиларнинг малакасини ошириш, ҳуқуқий маданиятни тўла шакллантириш керак. Ана шу улкан вазифаларни амалга оширишда давлат бошқарув органлари, шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхоналарда юридик хизматнинг ўзига хос ўрни бор. Чунки Дастурда таъкидланганидек, талайгина ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳоллари ҳуқуқий билимнинг етарли эмаслиги, ҳуқуқий маданият даражаси пастлиги оқибатидир. Агар айнан шундай мансабдор шахс ишлаётган жойда ҳуқуқий маслаҳатчи фаоллик кўрсатса, қонунчиликнинг амалда тўғри тадбиқ этилишига кафил бўлолади. Шу боисдан юқоридаги саволларга ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бораётган, халқ хўжалигида бозор муносабатларини қарор топтираётган мамлакатимиз учун юксак савияли ҳуқуқшунос маслаҳатчилар жуда зарур деб жавоб бериш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги 118-қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналаридаги юридик хизмат тўғрисида"ги Низом ҳуқуқшунос мутахассис ва унинг мақомига батафсил жавоб берилган.

Бир сўз билан айтганда иқтисодий-ижтимоий фаолиятимизнинг барча жабҳаларида қонунчиликни тўғри қўллаш ва унга тўла риоя қилиш учун ҳуқуқий маслаҳатчи кўмаги даркор.

Келинг, масалага иқтисодий нуқтаи назардан ёндашайлик.

Маълумки, мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик фаолияти учун кенг йўл очилган. Шу боис хусусий тадбиркорлик субъектлари ой сайин кўпайиб, уларнинг истеъмол бозоридаги ўрни тобора ортиб бормоқда. Бироқ хусусий тадбиркор ёки ҳар қандай ишлаб чиқарувчи ким биландир муносабатда бўлади, кимдандир хомашё олади, кимгадир маҳсулот сотади. Ана шу олди-сотдиларнинг барчаси шартномавий муносабатларни ташкил этиб, шартнома ҳужжатларида ўз аксини топади. Ушбу ҳужжатлар юридик жиҳатдан асосли ва мукаммал тузилган бўлиши керак. Бунинг учун эса ҳуқуқий маслаҳатчи хизматига эҳтиёж туғилади.

Хўжалик судлари амалиётида судга ариза билан мурожаат қилаётган даъвогар кўп ҳолларда шартнома ҳужжатлари қонуний ва мукаммал бўлмаганлиги, яъни ҳуқуқий саводсизлик билан тузилганлиги учун ютқизиб қўйилмоқда. Биргина мана шу ҳолнинг ўзи давлат бошқарув идораларида ҳам, мулкчилик шаклидан қатъи назар, бошқа корхоналарда ҳам ҳуқуқшунос маслаҳатчи хизматидан тўла фойдаланилмаётганлиги ва шу туфайли корхоналарга катта миқдорда иқтисодий зарар етаётганлигидан дарак беради.

Демак, юксак савияли, билимли ҳуқуқшунос маслаҳатчиларга нисбатан замон талаби тобора ортиб бормоқда. Ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш иста-ритилди. Адлия бошқармасида ҳуқуқшунос маслаҳатчиларнинг малака ошириш ўқишлари ташкил этилиб, аксарият ҳуқуқшунос маслаҳатчилар синовдан ўтказилди. Ўнлаб хўжалик юритувчи субъектларда ҳуқуқий маслаҳатчиларнинг Низом талабларига зид тарзда фаолият кўрсатаётганликлари аниқланди.

Баъзи бир хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари масъулиятсизликлари туфайли малакали ҳуқуқшунослар ўрнига умуман юридик маълумотига эга бўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш ҳоллари ҳам учрайди. Вилоят бўйича 3 та хўжалик юритувчи субъектларда бундай ҳолат мавжудлиги аниқланди. Йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш чоралари кўрилди.

Умуман, ушбу масалада бир қанча муаммолар мавжуд. Энг асосий муаммо - корхона, ташкилот ва хўжаликлар раҳбарларининг юридик хизматга бўлган муносабати. Кўплаб хўжаликлар, ташкилотлар ўз штатлар жадвалида шундай лавозимларни назарда тутмаганлар. Борлари ҳам иш учун етарли шароитга эга эмас. Ҳуқуқий маслаҳатчиларнинг алоҳида иш кабинетлари, ҳуқуқий адабиётлар ва меъёрий ҳужжатлар билан таъминланиши талаб даражасида эмас. Халқ хўжалигининг кўп тармоқларида хизмат қилаётган юридик хизмат ходимларига ҳуқуқий ишларга тааллуқли бўлмаган юмушлар юклатилиб қўйиш ҳолатлари мавжуд.

Шартномалар тузиш маданиятига ҳанузгача тўла эриша олмаётганлигимизнинг сабабларидан яна бири малакали ҳуқуқшунос маслаҳатчиларнинг етишмаётганлиги билан изоҳланади. Шартномаларнинг қонунга мувофиқ тузилиши, белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши, шартларининг ўзгартирилиши ва шу каби масалаларнинг назорати улар зиммасидаги масъулиятнинг нақадар юксаклигидан дарак беради. 1998 йилнинг 1 ноябрдан кучга кирган "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонун бу борада дастурил амалдир.

Шартномавий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш адлия идораларининг энг муҳим вазифаларидан бири саналади. Шартноманинг бажарилиши уларнинг нечоғлик тўғри, қонунга мувофиқ тузилганлиги билан изоҳланади. Бозор иқтисодиёти шароитида турли мулкчилик шаклдаги корхоналарнинг мавжудлиги чет эл компаниялари, фирмалари билан иқтисодий алоқаларнинг йўлга қўйиш имкониятининг яратилганлиги, етиштирилаётган маҳсулотлар учун давлат буюртмасининг йил сайин камайиб бораётганлиги, хўжаликларга, корхоналарга кўплаб иқтисодий эркинликлар берилган бир даврда шартномаларнинг аҳамияти янада ортмоқда.

Шундай бўлишига қарамасдан шартнома мажбуриятларини бажармаслик, топширилган маҳсулотлар учун ўз вақтида ҳақ тўламаслик ҳолатлари давом этмоқда. Ўз навбатида адлия бошқармаси томонидан ҳуқуқи бузилган тадбиркорлар, фермерларнинг манфаатларини қўзлаб судларга даъво аризалари киритилмоқда. Жумладан, Булунғур туманидаги "Булунғур-1" очиқ турдаги акциядорлик жамиятига нисбатан фермер хўжаликлари манфаатларини қўзлаб 5 миллион 489 минг 804 сўмни ундириш ҳақида 6 та, шу туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги очиқ акциядорлик жамиятига нисбатан фермер хўжаликлари манфаатларини қўзлаб, 23 миллион 141 минг 585 сўмлик 23 та ва "Булунғур" очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги "Ўзбекистон-Чехия" қўшма корхонасига нисбатан эса фермер хўжаликлари манфаатларини қўзлаб 30 миллион 779 минг 39 сўм ҳақ ундириш ҳақидаги судларга 44 та даъво аризаси киритилди.

Агар корхоналарда юқори савияли ҳуқуқий маслаҳатчи фаоллик билан ишлаётганда эди, бу хил муаммоларга ўрин қолмаган, барча низолар ўз вақтида барҳам топган бўларди. Шу боис барча давлат бошқарув идоралари ва хўжалик юритувчи субъектларда албатта, ҳуқуқшунос маслаҳатчи штат бирлиги жорий этилиши, у барча иш шароитлари билан тўлиқ таъминланиши зарур.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бугун ҳаётимизда ҳуқуқий маслаҳатчининг ўрни жуда баланд. Агар бу масала ҳар бир корхона, хўжалик юритувчи субъектларда тўғри йўлга қўйилса, жуда кўп муаммолар ўз-ўзидан ечимини топади.

Қўчқор ТОҒАЕВ,
Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг бошлиғи

Бугуннинг саволи

КАТТАЛАР ҚАЧОН ЎРГАНАДИ?

Мамлакатимизда янги ўқув йилнинг қўнғироқлари чалинди. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойишга биноан мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим муассасаларида Қомусимизни ўрганиш курслари ўқитила бошланди.

Энди жажжи кичкинтойлар боғчаданоқ ҳулқ-атвор қоидалари билан танишади. Маънавий ва ҳуқуқий меъёрлар тўғрисидаги бошланғич тушунчаларга эга бўлади. Кейинчалик мактаб, ўрта махсус ва олий таълим босқичида ушбу билимлар кенгайтирилади. Роят зарур ва таҳсинга лойиқ тадбир. Шу ўринда бошқа бир савол туғилади: Хўш, бу борада катта ёшлилар нималарни амалга ошираяпти?

Ҳуқуқий саводхонлик даражаси одамларнинг қонунлардан шунчаки хабардорлиги, ёки билиши билангина эмас, балки энг аввало, қонунларга риоя этиши билан белгиланади.

Ҳозир айни тўйлар кўпайган палла. Муҳтарам Юртбошимизнинг тўй ва бошқа маърака-маросимларни камчиқим, камхарж қилиб ўтказишга доир Фармони қай даражада ижро этилмоқда? Ёки газ, электр энергияси, ичимлик суви-умуман коммунал тўловларни барча фуқаролар вақтида тўлаяптими? Ахир, давлат бюджети турли тўлов ва тушумлардан йиғилади-ку?!

Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин.

Аҳоли ҳуқуқий маданият даражасининг оширилиши қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининггина иши эмас. Бу масалада турли давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўрни ҳам беқиёсдир. Улар ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиянинг турли шаклларидан янада самарали фойдаланишлари, фуқороларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтиришга ҳисса қўшишлари керак. Чунки ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгнинг юксалиши фуқаролик жамияти сари қўйилган тамал тоши демакдир.

Илҳом АЗИЗОВ,
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ходими

СЎНГГИ ПУШАЙМОНДАН ФОЙДА БЎЛМАДИ

Фарзанд — оила қувончи. У аввало оиладан, қолаверса мехрибон онасидан ҳаёт сабоқларини ўрганиши табиий. Ҳар бир аёл эл-юрт орзусидаги фарзандни дунёга келтириб, вояга етказишни орзу қилади. Шу орзу йўлида интилиб, кечаю кундуз тинимсиз меҳнат қилаётганлар, эл сафига ажойиб фазилатли, камтарин ва меҳнаткаш фарзандларини қўшаётганлар кўпчилик албатта. Бироқ, шоли курмаксиз бўлмас экан...

Яқинда Қўқон шаҳар судининг очиқ мажлисида беш нафар аёлнинг оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш бўйича фуқаролик иши кўриб чиқилди.

Феруза Маматқулова Қўқон шаҳридаги Жаҳон Отин кўчасида 12-уйнинг 3-хонадонида кекса онаси ва вояга етмаган қизи билан яшарди, Феруза бирор фойдали меҳнат билан шуғулланиб рўзғор тебратиш, хаётининг шамчироғи бўлган дилпораси – қизини оқ ювиб, оқ тараб Ватанига, халқига муносиб фарзанд қилиб тарбиялаш ўрнига шайтон васвасасига учди. Спиртли ичимлик ичишни кундалик юмушга айлантириб олди. Ичиб келиб кайф ўтида кўнгилсизликлар тинчини бузадиган, уйда ҳам бўлар-бўлмасга жанжал чиқариб қизчасини аёвсиз калтаклайдиган бўлиб қолди.

— Илгари набирамни унинг қўлидан аранг ажратиб олардим, энди эса кучим етмаяпти, — дейди Ферузанинг онаси Оқилахон Махмудова, афсус- надомат билан.

Одатда, оналар болаларининг гуноҳини бағрикенглик билан кечирадилар. Ферузанинг онаси эса қизининг феъл-атвори қуюшқондан чиқиб кетгани, бу набираси тарбиясига ҳам таъсир этаётганлигини айтиб, Ф.Маматқуловани оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш энг тўғри йўл эканлигини таъкидлади.

Гулнора Жўраева эса бир эмас, уч нафар фарзанднинг онаси. Турмуш ўртоғининг вафотидан сўнг у ўзгарди. Қийинчиликларни сабр-бардош билан енгиш, болаларини халол луқма едириб боқиш ўрнига гулдек ёшлигини айшу-ишратда ўтказиб, енгил-елпи пул топиш йўлига кириб кетди. Бегуноҳ болаларни қариндоши Ёркиной Хусановага бутунлай ташлаб қўйиб, кайфу-сафодан бўшамади.

Ҳанифа Дадабоева ҳам пул топишнинг осон йўлини танлаганлардан бири. У бирор касб-ҳунарнинг бошини тутиб меҳнат қилишга бўйни ёр бермай, ўзи яшаб келаётган уйда рўйхатдан ўтмаган бўлишига қарамай, хонадонини фоҳишахонага айлантириб олишдан ор қилмади. Келиб-кетувчилардан тинчи бузилган, уни тартибга чақирмоқчи бўлган қўни-қўшниларига зўрлигини намойиш этиб ҳаракат қиладиган, жанжал кўтарадиган одат чиқарди. Ўзи ҳам маишатга берилиб кетди. Беш ярим яшар қизалоғи эса онасига талпиниш, унинг меҳридан бахраманд бўлиш ўрнига ... ундан безиб қолди.

Суд йиғилишида юқоридаги уч нафар аёлнинг ҳатти-ҳаракатлари ҳар томонлама ўрганилиб, прокурор даъвоси қаноатлантирилди. Улар оналик ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Бахт ва бахтсизлик ораси бир қадам, дейишади. Бахтли остонага етиб келган ҳар бир аёл оналик бахтини асраб-авайлаши, фарзандини меҳр офтобидан бахраманд этиб, камолга етказиши нақадар яхши. Юқоридаги биз тилга олган аёллар эса шундай бахтдан юз ўгириб, бахтсизлик сари юз бурганлардир. Уларнинг эндиги кеч пушаймонлари ўзларига душманликдан бошқа нарса эмас.

Зулфия ҲАМИДОВА,
журналист

Мўғомбирликнинг миси чиқди

Инсоннинг ҳалол меҳнат билан ризқ топиб, борига қаноат, йўғига сабр-бардош билан осойишта яшаб, умргузаронлик қилганига нима етсин. Ахир шундай фазилатлар инсонни нафс бало-қазоларидан, юзи шувитликдан асраб, қалбига хотиржамлик ато этиб туради-ку!

Афсуски, бу дунёда ҳамма ҳам ҳалолликни ўзига касб этмаган. Каттақўрғонлик Бахтиёр Янгибоев ҳам юқоридаги ҳикматнинг мағзини чақмади.

У Каттақўрғон шаҳридаги Миллий ҳунармандчилик лицейи директори ўринбосари вазифасида ишларди. Рўзғори тинч, иши рисоладагидек бўлишига қарамай, Бахтиёр нафс балосига гирифтор бўла бошлади. Кўпроқ пул топиш йўлларини ахтариб, ҳаловати бузилди.

"Ҳозир тўлиқсиз ўрта маълумотли йигитлар кўп. Шулардан топиб, ҳар йили тўрт-бештасига диплом тўғирлаб берсам, бас, ошиғим олчи бўлади. Бир дақиқада беш-олти ойлик маошни топаман" деган хулосага келди ва шу мақсад билан ҳаракатга тушди.

Бахтиёр билан тил топишганлардан бери ёшлигидан ҳарбий бўлишни ният қилиб юрган Нурали Ёмонов экан. Шу йилнинг май ойида шаҳар Мудофаа ишлар бўлимига бориб, ҳарбий билим юртига ўқишга кириш учун қандай ҳужжатлар кераклигини сўраб-суриштирган Нуралининг кайфияти бузилди. Негаки, ҳарбий бўлимдагилар керакли ҳужжатларни қаторида ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома ҳам бўлиши шартлигини айтишган эди. Нуралининг "оқсоқ" томони эса айнан шунда — маълумоти тўлиқсиз эди.

Ўйланиб юрган Нуралига танишларидан бири шаҳардаги лицей директорининг ўринбосари Бахтиёр Янгибоев бу масалада ҳожатбарор эканлигини айтиб қолди. Нурали бу гапни эштиб, ҳамқишлоғи Бахтиёрнинг ҳузурига ошиқди. Бир пиёла чой устида унга ўз дардидан сўзлади.

Ўлжа пойлаб ётган тулки сингари Бахтиёрга Нуралининг илтимоси сариёғдек ёқиб тушди. Қийин, лекин иложи бор юмушни қишлоқдошлик хурмати учун зиммасига олди. Шу тариқа Ёмонов Нурали номига 1997 йилдан 2000 йилгача Миллий ҳунармандчилик лицейининг дурадгорлик ихтисоси бўйича таълим олган деб, КНТ серияли 168689 рақамли соҳта диплом ёзиб берилди. Албатта, Бахтиёрнинг хизмати Нурали томонидан яхшигина тақдирланди. "Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади" деганлари тўғри экан. Қилни қирқ ёрадиган терговчилар рад этиб бўлмас далиллар билан Бахтиёр Янгибоевнинг айбини бўйнига қўйиб бердилар.

Ёмонов Нурали номига берилган диплом битирувчиларга тарқатилган дипломларни қайд этиш ва рўйхатга олиш китобидан ўтказилмаган эди. Бахтиёр Янгибоев ўз мансабини суиистеъмол қилиб, соҳта диплом берганлиги терговда аниқ бўлди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 209-моддаси 1-қисми билан у айбдор деб топилди.

Кўзбўямачилик йўлини танлаган Нурали Ёмонов ҳам қилмишига яраша жазосини олди.

Хуллас, муғомбирликнинг миси чиқди. Бу ҳол текин пул топиб талтайиб юришни орзу қиладиганлар учун етарлича сабоқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Шаҳобиддин ОБИДОВ,
ҳуқуқшунос, адлия маслаҳатчиси,
Самарқанд вилояти

Холис фикр

ҚОНУНГА ХИЛОФ ЭМАСМИ?

"Ёшлар" телеканали кўрсатувларини мароқ билан томоша қиламиз. Аммо кейинги пайтларда ушбу телеканалда "ХОН" сигаретининг рекламаси ҳаддан зиёд ошириб юборилаяпти. Шу йилнинг 29 август куни соат 22 билан 23 оралиғида, яъни бир соат ичида "ХОН"ни беш марта тарғибот қилишди. Бу ҳол ёшларни кашандаликка даъват қилишни англатмайдими?

"Инсон ва қонун" газетасининг 21 август сонида "Реклама қонунга мосми?" сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда ёзилишича, тамаки маҳсулотлари рекламаси қонун йўли билан тақиқланган экан. Шундай экан, телевидение ижодкорлари нега қонунга хилоф иш тутади?

Бу саволга ким жавоб беради?

Абдухалил ФАТҲУЛЛАЕВ,
Нарпай тумани,
"Ўзбекистон" ширкат хўжалиги

ТАҲРИРИЯТДАН:
Газетхоннинг фикри ҳам, баҳоси ҳам холис. Бундан тегишли мутасаддилар балки керакли хулоса чиқаришар.



Н. АЛМУРОДОВ олган сурат

КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

География дарсида

- Нега "ярим орол" деб айтамиз?
- Бизга ярми маълум, ярми номаълум бўлгани учун...

Она тили дарсида

- Қўшма гап қанақа бўлади?
- Тўғри гапга ёлғон-яшиқлар қўшилса, қўшма гап бўлади.

Табиатшунослик дарсида

- Ўзбекистондаги энг катта сув манбалари қайсилар?
- Энг каттаси Тошкент денгизи, Роҳат кўли...

Ўлкашунослик дарсида

- Ариларнинг фойдаси борми, йўқми?
- Фойдаси бор. Асалари асал беради, қовоқари қовоқ...

Физика дарсида

- Предметнинг иссиқдан кенгайишига мисол келтир.
- Мисол учун, қуёшнинг иссиғида қовунлар ёрилиб кетади.

Зоология дарсида

- Сайроқи тўтиқушлар қаерларда бўлади?
- Зоология магазинида...

Тўпловчи: Гулноза НОРМЕНОВА

Қутлаймиз!



Билимдон олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Узоқ Бозоровни олтмиш ёшга тўлганлиги муносабати билан самимий қутлаймиз ҳамда унга узоқ умр, мустаҳкам соғлик, ишларига ривож тилаймиз.

ТДЮИ жамоаси.

ТАРҒИБОТ АМАЛИЙ БЎЛСИН!

Шўро даврида "закунчи" деган ибора халқ орасида тез-тез тилга олиниб турар эди. У "қонун қўлида" деган маънони англатиб, кўпроқ маҳаллий амалдорларга нисбатан ишлатиларди. Таниқли ёзувчи Ўткир Ҳошимов "Икки эшик ораси" асарида шундай кимсаларнинг типик вакили — Умар закунчи образини яратган. Асарда тасвирланганидек, бу тоифа кимсалар қонунни рўкач қилиб, одамларни ҳўрлашу таҳқирлаш билан шуғулланган. Бир сўз билан айтганда, шўро даврида қонун деганда кўпчилик таъқиқ маъносини тушунар эди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг кишилар онгида жуда катта ўзгаришлар содир бўлди. Шулардан бири қонун ва қонунчиликка бўлган муносабатнинг тубдан янгиланганлигидир. Энди фуқаролар қонунлар эркинлик кафолати эканини, уларга қанчалик қатъий амал қилинса, жамият шунчалик эркинлашиб боришини тушуниб етмоқда. Зеро, қонун устувор бўлган жойда дастлаб бошбошдоқлик барҳам топади, ўзаро ҳурмат ҳисси шаклланади. Шу ўринда оддий бир ҳаётий мисолни келтириб ўтсак. Дейлик, автобуснинг белгиланган вақтда бекатга келмаслиги аввало одамларнинг тўпланиб қолишига сабаб бўлади. Натижада автобус ичида ур-сур, тўполон авжига чиқади. Ким кимнидир туртган, оёғини босиб олган ва ҳоказо. Бу ҳол шаҳар транспортида тез-тез рўй бериб туради. Агар ҳайдовчи графикка етиб олиш учун тезликни оширса, йўловчилар ҳаёти хавф остида қолади. Кўриниб турибдики, бир қарашда арзимасдек бўлиб туюлган қонунбузарлик улкан фожиаларни келтириб чиқариши мумкин.

Инсоннинг ўз ҳуқуқларини билиши оилада шаклланади. Яхшини ёмондан ажрата билиш қонунга итоат этишнинг бошланиши ҳисобланади. Шу боис бу борада болаларга катталарнинг ибрати ғоят катта аҳамиятга эга. Чунки ота-она ўз боласини кўчанинг пиёдалар ўтиши мумкин бўлмаган жойидан бир марта олиб ўтса бас, у албатта шуни такрорлайди. Айтилган панд-насиҳатлар, ўгиту кўрсатмалар қуруқ гапга айланади. Демоқчимизки, қонунга итоат этишни қуруқ сўз билан эмас, балки амалий иш билан тарғиб-ташвиқ этиш зарур. Бу борада мактаб ва матуботнинг имкониятлари ғоят улкандир. Шу сабабли мактабларда ҳуқуқий тарбияни кенг йўлга қўйиш, радио, телевидениеда ҳуқуқий кўрсатув ва эшиттиришларнинг сонини ошириш баробарида сифатини яхшилаш долзарб вазифалар сирасига киради. Чунки ҳуқуқий жиҳатдан саводхон бўлган инсон қонунларнинг тараққиёт омили экани чуқур ҳис этади ва ҳар бир ҳаракатини қонун асосида бошқаради. Бу эса ҳуқуқий демократик жамиятнинг асосий шартидир.

Содиқ НОРБОЕВ,
ЎзМУ талабаси

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир
Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-2843. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.00

Навбатчи: Б. РАЙИМОВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: Д. БЕКМУРОДОВА
Компьютер оператори: М. ЯХНЯЕВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.